

Nodirjon ABDULAHATOV

*Candidate of Historical Sciences,
doctoral student of the INTERNATIONAL ISLAMIC
ACADEMY OF UZBEKISTAN
Эл почта: n.abdulahatov@iiu.uz*

РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙ ТАЪРИХЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА

ХРОНОГРАММЫ РОДЖИ МАРГИНОНИ КАК ИСТОРИЧЕСКИЙ ИСТОЧНИК

CHRONOGRAMS OF RAJI MARGINONI AS A HISTORICAL SOURCE

Калит сўзлар: таърих, марсия, қози-калон, уламо, мадраса, муфтий, факиҳ, тахаллус.

Ключевые слова: хронограммы, эпитафия, казы-калян, улама, медресе, муфти, факих, псевдоним.

Keywords: chronograms, epitaph, kazykalyan, ulama, madrasah, mufti, fakih, pseudonym

Маълумотларга кўра Марғилонинг машҳур қозикалони Хожажон Хожа Рожий Марғинович (1834–1918) икки юздан ортиқ инсонларга таърих битган. Бироқ мазкур таърихлар Рожий ижодига бағишлаб Ўш (Қирғизистон) шаҳрида чоп этилган «Хўжажон Рожий Марғинович» китобида ҳамда 2012 йилда чоп этилган «Хайрат-ул-инсон» сайланмасида ҳам тўлиқ келтириб ўтилмаган ва таҳлил қилинмаган. Мазкур мақолада айнан Рожийнинг ёзган таърихлари манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилди.

Бинобарин, Рожий Марғиновичнинг таърих йўналишида яратган бебаҳо асарлари ўша даврда кечган ижтимоий-маданий жараёнлар, кўплаб тарихий шахслар ҳаётига оид маълумотларни ўз ичига олган муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда Хожажон қози Рожий Марғиновичнинг илмий-амалий фаолиятини ўрганиш юртимизда ҳукм сурган Чор мустамлақаси даври ижтимоий-маънавий, диний-маданий ҳаётини ўрганишда муҳим бўлса, илмий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш айни давр тасаввуф адабиёти ва тарихини ўрганишда муҳим манбадир.

Ҳозирда мазкур таърих-шеър маъносида адабиётшунослигимизда «таърих» ва «тарих» шаклида икки хил ёзиб келинмоқда. Бизнингча, уни тарих фанидан фарқлаш мақсадида айириш белгиси билан «таърих» кўринишида ёзиш маъқул бўлса керак. Бу ҳақда шарқшунос А.Жувонмардиев «Ҳарф

ва рақам» рисоласида таърих ва таърихгўйлар хусусида шундай ёзади: «Шуни ҳам айтиш керакки, таърих китобларини ўқиб, ўрганиб ёки замон воқеалари, улўғ кишилар ўлими, вафоти ва айрим ҳодисалар борасида китоб ёзган шахсни **خبر** (таърихчи) дейдилар. Бу рисоламизда ёзилган услубда таърих айтганларни эса, «таърихгўй» (таърих айтувчи) деб атайдилар.

Таърихгўй ёзган таърихига аҳамият бериб, унинг очиқ ва тўғри бўлишига катта эътибор бериш керак. Чунончи, Ҳиротда бино қилинган «Боризоғон»га «Чортоқ» сўзи таърих деб, бирмунча шов-шув кўтариб, кейинчалик текшириш натижа-сида тўғри чиқмай қолган.

Таърихгўй устозларнинг қонунида агар таърих бир кишининг номига бўлса, албатта у шахснинг исми киритилиши керак. Чунки исм бўлмаса, у таърих очиқ бўлмайди. Бундан ташқари, лақаби, отасининг номи, фазл, хунари ва мансабини ҳам фикр қилиб айтилиши лозим. Агар таърихгўй ўз номини ҳам киритса, бундай таърихлар янада эътиборли бўлади. Таърих моддасининг зикр қилиниши муносибдир. Бино ҳақида ёзилган таърихлар эса албатта тўрт девор, яъни тўрт мисра (икки байт) бўлиши фарздир. Шунингдек, ўлганда айтилган таърихда «исқот» (чиқариб ташлаш) ва туғилганга қўшиш усулида ёзилиши таърих гўзаллигининг зарур бўлган шартларидан биридир.

Агарда таърихгўй бир мисрада икки таърих келтирса, вови отифа бўлиши мумкин, чунки вови отифа икки таърихни бир-биридан ажратиш туради. Бир таърихда эса вови отифа бўлмаслиги яхшидир. Замон саҳифасидаги таърихгўйлар уч (арабий, форсий ва туркий) тил билан таърих айтганлар» [1; 4 б.].

Маълумки, мумтоз адабиётимизда таърихгўйлар таърих ёзишда беш йўлни қўллаганлар: таваллуд (туғилиш); мамлакатда рўй берган воқеа ва ҳодисалар; мамлакат истилоси (фатҳ); бино қурилиши; вафот, ўлим ҳақида. Хожажон Хожа Рожий Марғинович мазкур беш йўлнинг барчасида деярли ижод қилган [2; 38 б.]. Рожий тараққийпарвар, маърифатпарвар ижодкор сифатида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида мамлакатимиз халқлари тарихида рўй берган муҳим ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар даврида яшаб, ўзининг юксак истеъдоди, маънавий жасорати билан миллатимиз тарихи, хусусан, мамлакатимиз ҳуқуқшунослиги ва мумтоз адабиёти тарихида ўчмас из қолдира олган алломалардан бири эди [3; 3 б.].

Адабиётшунос олимларнинг тадқиқотларидан шу нарса англашилмоқдаки, ўтмишда Рожий тахаллуси билан ижод қилган ўндан ортиқ шоирлар яшаб ўтган. Рожий арабча сўз бўлиб, луғавий маъ-

Мақолада факих ва шоир Хожажон Хожа – Рожий Марғиноний (1834–1918) таърихлари ҳақида маълумот берилган. XIX аср охири ОЦ XX аср бошларидаги Марғилон адабий муҳитининг истеъдодли вакилларида бири етук олим, маърифатпарвар шоир Рожий Марғиноний эди. Хожажон қози шеърятда «Рожий» (арабчада «умидвор») тахаллуси билан ижод қилган. Рожий адабий мероси Ўрта Осиё маданиятига хос бўлган умумий хусусиятлар билан бир қаторда ўзига хос ранг ва ўзига хосликни ҳам ўз ичига олади. Рожий иккинчи солиҳ халифа Умар бин Хаттоб авлодидан ҳисобланади. Рожийнинг аجدодлари бир неча ўн йиллар давомида Фарғона водийсида бообрў хонадон аҳллари орасида этакчи ўринларни эгаллаб келганлар. Улар Марғилонда энг юқори юридик ҳокимиятдаги қози-калон лавозимларида фаолият юртиб келганлар. Рожий шоир сифатида ўзининг ўтмишдошларининг энг яхши анъаналарини давом эттирди ва ривожлантирди. Рожий асарларида халқ золимларининг сатирик образлари бутун галереяси яратилган. Сатира аслида Рожийнинг асосий чақириғи. Фарғона водийси (қози-калонлар) бошлиғи сифатида у қозихонанинг сирларини, қозиларнинг ҳийлаларини билар эди. Рожийнинг кўпгина шеърлари, ҳусусан, маснавий (жуфтлик), марсия - таърих (хронограмма) табиатан фалсафий характерга эга. Шоир инсон ҳаётининг моҳияти, унинг ўтмиши ҳақида мулоҳаза юритади. Рожий Марғиноний фаолияти ва мероси Фарғона водийси халқларининг маънавий ва маданий ҳаётини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

В статье даны сведения о хронограммах ученого факиха и поэта Ходжаджана Ходжа - Роджи Маргинони (1834-1918). Одним из талантливых представителей Маргиланской литературной среды конца XIX начала XX века был поэт, ученый просветитель – Роджи Маргинани, прославившийся среди местных интеллектуальных кругов под именем «Ходжажан Казии». Он продолжил традиции ферганской школы в областях мусульманского права (фикх). Ходжажан Казии творил в поэзии под псевдонимом «Раджи» (по арабски «Надеющийся»). Его наследие, несомненно, представляет научный интерес. Оно, наряду с общими чертами, присущими центрально-азиатской культуре, содержит в себе свой колорит и особенность. Он происходил по прямой линии от второго праведного халифа Умара бин аль-Хаттаба. На протяжении нескольких десятилетий предкам Роджи принадлежали ведущие позиции среди духовной элиты в Ферганской долине: они занимали должности кази-каляна высшего юридического авторитета. Как поэт, Роджи продолжил и развил лучшие традиции своих предшественников. Его творчество носило ярко выраженную социальную окраску. В творчестве Роджи создана целая галерея сатирических образов притеснителей народа. Сатира по существу - основное призвание Роджи. Как глава казиев Ферганской долины (казы-калян), он прекрасно знал тайны казыхан, проделки казиев. Большинство стихов, особенно маснави (двустиие), марсия-тарих (хронограммы) Роджи носят сугубо философский характер. Поэт размышляет о сути человеческой жизни, о ее быстротечности. Деятельность и наследие Роджи Маргинони имеет важное значение для изучения и понимания черт духовной и культурной жизни Ферганской долины.

The article gives information about the chronograms of the scientist Fakih and poet Khojojan Khoja - Raji Marginani (1834-1918). One of the talented representatives of the Margilan literary milieu, the end of the 19th and beginning of the 20th centuries, was a poet, scholarly enlightener - Raji Marginani, who became famous among the local intellectual circles under the name «Khojazhan Kazi». He continued the traditions of the Ferghana school in the fields of Muslim law (fiqh). Khojazhan Kazi worked in poetry under the pseudonym “Raji” (in Arabic, “Hopeful”). His legacy is undoubtedly of scientific interest. It, along with the common features inherent in Central Asian culture, contains its own color and peculiarity. It came in a straight line from the second righteous caliph Umar bin al-Khattab. Over the course of several decades, the ancestors of Rodji owned a leading position among the spiritual elite in the Ferghana Valley; they held the positions of Kazi-Kalyan of higher legal authority. As a poet, Raji continued and developed the best traditions of his predecessors. His work bore a pronounced social coloring. In the work of Raji, a whole gallery of satirical images of the oppressors of the people was created. Satire is essentially Raji’s main vocation. As the head of the Judges of the Ferghana Valley (Kazi-Kalyan), he perfectly knew the secrets of the Kazykhanas, the tricks of the Kazis. Most of the poems, especially Masnavi (couplet), Marsia – Tarih (chronograms) of Raji are purely philosophical in nature. The poet reflects on the essence of human life, on its transience. The activities and heritage of Raji Marginoni are important for the study and understanding of the spiritual and cultural life of the Ferghana Valley.

носи – қайтиш, мажозий маъноси – умид қилиш. Биринчи маъноси диний мазмунга эга бўлиб, Аллоҳ ҳузурига қайтишни, иккинчиси тасаввуфнинг олтинчи мақоми (рижо)га боғлиқ ҳолда умидворликни ифодалайди» [4; 47 б.].

Марғилон шахрининг қозикалони бўлмиш Рожий Марғинонийнинг ҳаёт ва фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, у кўп соҳаларнинг моҳир билимдони сифатида кўз олдимизда намоён бўлади. Тарихий манбалар бизга у зотни аллома, факих, тарихчи, мутасаввиф, адиб ва шоир, фай-

ласуф ва жамоат арбоби сифатида танитади [5;100 б.]

У нафақат қози, айни пайтда фатво берувчи муфтий, ҳукм чиқарувчи ҳакам, ҳам уламолар мажлисида етук олим, шоир ва адиблар даврасида улкан сўз санъаткори, тариқат шайхлари ҳузурида «муҳаббатли пир», сўфийлар мажлисида етук мутасаввиф сифатида серқирра фаолият олиб борган. Рожий Марғиноний ўзининг серқирра фаолияти билан жамиятнинг барча соҳаларига кириб бориб, мазкур ҳудудларда ижтимоий барқарорликни таъ-

минлашда, аҳолининг маънавий-маърифий соҳадаги тараққиёти юксалишига катта ҳисса қўша олган эди [6; 96 б.].

Рожий ўзига замондош бўлган Номий, Ҳазин, Толий каби уламолар, Фурқат, Муқимий, Завқий, Ҳазиний, Хокий сингари ижодкорлар билан тарихан бир даврда яшаган ва ижод қилган бўлса-да, улардан фарқли равишда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этди. Қозикалон, қозилар саёзи (съезди) раиси мартабасига кўтарилиб инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, ижтимоий адолатни қарор топтиришга интилди. Ўз даврида унинг доврўғи бутун Қўқон хонлиги ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқларга етиб бориб, минтақа аҳолиси ўртасида катта обрўга эга бўлгани учун ҳам мазкур ҳудудлар диний-ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётига оид воқеаларда унинг доимий иштироки ва мустаҳкам ўрни бўлган [7; 55 б.].

Бу ҳақда «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1911 йил 16 июнь № 44-сонида мухбир Мулла Олим шундай ёзади:

«Камина вагонга ўлтуруб Кубога келиб, Кубо қозиларига меҳмон бўлдук... Эртаси Кубодин жўнаб Марғилон шаҳрига келиб Домла Хўжажон қози ҳожии жанобга меҳмон бўлдим. Ул зот бобаракот Марғилон шаҳрига Пўладхон замонидин то ушбу вақтгача мутассил қозилик мансабида бўлб, ул мансабни камоли жойига келтурган олим, оқил, фозил, шоир зотдурлар. Ул жанобдин хоҳ раият хоҳ ҳокимлар баробар рози бўлган... Худованд қарим наздида ҳам мақбул бўлсалар ажаб эмас. Ўтган Ҳажии шарифга бориб келганларидан кейин қози лавозимини адо қилмасликга ҳар чанд истеъфо қилсалар ҳам раият ва улуг ҳукуматдорлар илтижо ва илтимос айлагач янгитдин қози лавозимини зиммаларига олибдурлар. Буткул ҳарамии шарифга ҳижрат қилмоқ ниятлари бор экан... Мухрона учун хоҳ оз-хоҳ кўб нима берса олиб кўб-оз демас эканлар. Ул жаноб одатларини билган фақир бечора раиятлари беи сўм-тўрт сўм берадургон мухрона учун 20 тийин, 30 тийин берадур экан. Тақсим тарканадин оладургон ҳақлари ҳам мунга қиёс қилса бўладур. Шул тариқа ахлоқи ҳасаналари сабабдин ўттуз-қирқ йилдин буён мутассил қозилик лавозимида туруб ҳаммага баробар мақбул зот эканлар. Шул тариқа улуг даражада бўлб туруб каминани ўз суҳбатларига сарафроз қилиб каминани гоятда мамнун ва масрур айлаб, бир кеча ул жанобни меҳмонхоналарида туруб, ижозат олиб, кўб хурсанд, сарафроз бўлб Хўқанд тарафига азимат айладим» [8; 2 б.].

Туркистон вилояти газетасининг 1913 йил, №30 сонида берилган мухбир мулла Олимнинг навбатдаги мақоласида ҳам қози домла ҳақида

яна маълумот келтирган. Унда муаллиф жумладан шундай дейди:

«...намози жумани адо айлаб, Марғилонда кўп вақтлардан буён қозилик мансабида турган Хўжажон қози жанобларини зиёрат қилмоқ бўлиб сўраганимда маълум бўлдики, ул зот қозилик лавозимини ташилаб, зиёрати байтиллоҳ ва адоийи ҳаже фаройизиллоҳ қилмоққа ният айлаб, бу сана ҳажга кетгон экан. Кўп замондан буён бу жанобни кўрмоққа орзу қилиб, иттифоқо, Марғинон борғонимда ул зот Марғинонда бўлмай кўролмаганимга афсус қилдим. Лекин ул жаноб ҳажга ният қилиб, белат олган вақтларида бир рубоий машқ қилиб, ёднома қолдириб кетган эканлар, ул рубоий манзурим ўлиб, табаррукан ушбу жойга ёздим, ушбу экан:

*Сад шуқр сўйи Батҳо белат гирифта рафтам,
Сарро аз зарби мансаб бе лат гирифта рафтам,*

*Кардам даво дави чанд, он дулати қазо буд,
Давлат кунун бекаду белат гирифта рафтам.*

Ул зоти бобаракот ахборотларини келган ҳо-жилардан сўраганимда мавлуди шариф ийдида Маккатуллоҳ ё Мадинайи мунавварада бўлмоқ эдилар, деб жавоб бердилар»... [9; 2 б.].

Рожий Марғинонийнинг Тошкент, Қўқон, Андижон, Наманган, Косон, Ўш, Бухоро, Хўжанд, Шаҳрихон ва фарғоналик илм-маърифат аҳли, зиёлилар билан бўлган илмий алоқалари, мазкур ҳудудларда олиб борган амалий фаолиятлари жамият маданий ва маънавий тараққиётига қўшилган ҳисса сифатида эътиборга молик [10; 59 б.]. Унинг ҳузурига машҳур шарқшунослар В.В.Бартольд [11; 360 б.], Закий Валидий Тўғон кабиларнинг келиши, ундан Шарқ мумтоз адабиёти ва қозилик тарихи бўйича баъзи нодир маълумотларни сўраб олиши бежиз бўлмаган [12; 73 б.]. Унинг Абул Маоний Бедил ғазалиёти бўйича эришган шуҳрати Ҳиндистон уламоларига қадар етиб боргани эътиборга лойиқ.

Рожий ўз ҳаётининг тенг ярмини қамраб олган қозилик фаолиятидан келиб чиқиб, доим мазлумлар тарафида туриб ҳақ ва ҳақиқатни қарор топтириш йўлидаги интилишлари, аҳолининг турли ҳуқуқий масалалари бўйича чиқарган ечим ва фатволари маҳаллий аҳоли ўртасида унга катта обрў ва ҳурмат келтирган. Айниқса, мавжуд муаммоларни ҳанафий мазҳаби қоидаларига мувофиқ ҳал қилиб бериши жамиятда турли ихтилофларнинг олди олинишига, аҳоли ўртасида барқарорликни таъминлашга олиб келгани маҳаллий амалдорлар қошида ҳам обрўсини ошириб юборган. «Тарихи Азизий»да айтилганидек: «Урусия давлатини ҳеч ким Хўжажонхўжа қозидек кўрган эмасдур.

Ушбу замондаги қозиларнинг дурустроги ва [хуш] пойқадами шул кишидур... Ушбу одамлар мусулмон хонларининг вақтида қўлларига қалам ушлаб юртга хизмат қилиб, аралашиб юрган. Хўжажонхўжа ва Мулло Бузрукхўжа фатво ишига моҳир эдилар» [13; 57 б.]. Рожий гарчи Марғилон шаҳрининг қозикалони деб аталса-да, амалда бутун Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилоятидаги Бош қозиси ҳисобланган. Вилоятнинг катта-кичик шаҳар ва туман қозилари қозикалонга тобе бир мақомда бўлган [14; 45 б.].

Рожий Марғинонийнинг илмий-ижодий фаолияти эса алоҳида бир уммондир. Зотан, у ўз даврида маърифатли ижодкор сифатида ҳам алоҳида мавқега эга эди. Рожий Қўқон адабий муҳитининг йирик вакиллари Муқимий, Фурқат каби шоирларга устозлик қилган улкан зул-лисонайн шоир сифатида эътироф этилган. У ўзининг билимдонлиги, бадий маҳорати ва ибратли инсоний фазилатлари билан Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат таҳсинига сазовор бўлиши ҳам тасодифий эмас. Фурқат ўзининг Тошкентга келгунга қадар ўтган ҳаёти, устоз ва мураббийлари ҳақида ҳикоя қилар экан, «Туркистон вилоятининг газети»да «Марғилон шаҳрининг қозийи калони» шоир Рожийнинг ноёб истеъдод ва қобилиятига юксак баҳо беради, Марғилонда Хожажон қози билан танишгани, у аруз вазида моҳир эканини, туркий ғазаларининг гўзал ва равонлигини, унинг юриш-туришлари (одоби) жуда ибратли, ҳамида феълли киши эканини алоҳида таъкидлаган эди [15; 2 б.]. Унинг асарлари у ҳаётлик чоғидаёқ вақтли матбуот нашрларида, ўша даврда чоп қилинган адабиёт ва баёзларга киритилган ва кўплаб адабиёт мухлислари тарафидан тузилган баёз ва мажмуаларга кўчириб олинган. Масалан, 1912 йилда Тошкентда Ғулом Ҳасан Орифжонов матбаасида Амоний Арабоний ташаббуси билан чоп этилган «Баёзи Маҳбуб ул-маҳбуб»га [16] Хожажон қози Рожий асарлари киритилган бўлса, Туркистон вилояти газетасида эса унинг фаолиятига доир мақолалар ва асарлари бериб борилган [17].

Зокиржон Фурқат бу ҳақда шундай дейди: «Марғион шаҳрининг қозикалони домолло Хўжажон қози бирла маърифат пайдо айладим. Ул қози зотида кўб писандеда атвор мушоҳада айладим ва аруз фанида кўб моҳир киши экандур. Ва туркий ғазал машқида таъби кўб латифдир ва равшан эрмиш, амир Алишер Навоийнинг бир ғазалига қилгон мухаммаси ниҳоятда мустаҳсан кўрунди. Тариқат йўлига кирган бир муҳаббатлик киши экан алҳолда Марғионда қазо илмига мансубдир» [18; 23 б.]. Демак, Хожажон қози Рожий олим, фозил, адиб ва шоир бўлган ва кўп таърих айтган [19; 140 б.].

Рожий Марғинонийнинг дастлабки таърихи отасига бағишланган. 1268/1852 йилда рамазон ойининг сешанба куни Рожий 18 ёшда эканида отаси вафот этади. Бу мусибат Рожийга жуда қаттиқ таъсир қилади. Бинобарин, Пўлотжон Домла Қайюмий: «...Рожий ёшлигида етим қолиб, кўп моддий қийинчиликда қариндошларининг ҳимояларида ўсмиш», деб ёзган эди [20; 312 б.].

Рожий отасининг вафотида бағишлаб қуйидаги ўн икки мисрали таърих-марсияни ёзади:

Қудвайи хожагон Низомиддин,
Садри содооти аҳли давлат буд.
Обиду дўстдору аҳлуллоҳ,
Солики жодайи шарият буд.
Молики арзу мулки мавруси,
Қўти у ҳосили зироат буд.
Рамазонул мубораку бистўм,
Рўзи сешанба вақти рихлат буд.
Рафт аз ин дори бемадори жаҳон,
Сўйи дорул жинон азимат буд.
Омад аз ғайби баҳри таърихаши,
Ин нидо: «Мустаҳқиқи раҳмат буд».

Таржимаси:

Хожалар пешвоси Низомиддин,
Улуғлар афзали ҳам аҳли давлат.
Ибодатпешаю аҳлуллоҳ дўсти,
Ҳам эрди раҳбари роҳи шарият.
Мерос қолган эди еру мулк анга,
Ер эрди ризқини қилиб зироат.
Жаҳоннинг бемадор ҳовлисин ташлаб,
Жаннат ҳовлисига қилди азимат.
Рамазон ойининг йигирманчиси,
Сешанба кун эди, айлади рихлат.
Таърихига ғайбдан келди бу нидо:
Илоҳий бўлсун у «лойиқи раҳмат»²⁹.

Таърих моддаси охириги мисрадаги «мустаҳқиқи раҳмат буд» – («раҳматга лойиқ бўлсин») сўзларининг ҳарфлар йиғиндисидан чиқиб, хижрий 1268, милодий 1852 йилга тўғри келади.

Ушбу қисқагина таърихни мулоҳаза қилиб кўрсак, Рожий унда жуда кўп нарсаларни: отасининг исми, у вафот этган йили, куни ва ойи, унинг саййидлар авлодидан экани ва шу билан бирга уларнинг улуғларидан аҳли давлатлардан бўлгани, уламоларга муҳаббатли-ю, шариятни маҳкам тутувчи экани, боболаридан отасига катта мол – кўчмас мулк мерос бўлиб қолгани ҳамда у ундан чиққан ҳосилдан рўзғор қилиши каби қатор жиҳатлар ҳақида қимматли маълумотлар беради [7; 88 б.].

²⁹ Таржима Р. Файзуллаевники.

Ҳижрий 1309, милодий 1891–92 йилда Қирғизистоннинг Учқўрғон қишлоғидаги мактаблардан бирининг муаллимаси, ўз даврининг заковатли билимдон аёлларидан Ойбиби Отин вафот этади. Унинг ўлими Отин бибида хат-савод чиқарган барча хотин-қизларда, уни таниб-билган кишилар, жумладан, Рожий қалбида чуқур изтироб уйғотади ва у бу воқеага бағишлаб 82 мисралик марсия-таърих яратади ва ушбу марсия-таърихнинг ёзилиш сабабини қуйидагича изоҳ келтиради: «Учқўрғоннинг Қалъаи боло ва Кўчаи поянда қишлоқларида қиз болаларнинг муаллимаси бўлган мазкура шавҳари Паҳлавондан тул қолиб, сажжода устида вафот этган эди».

Сўрдум: «Отун қайга кетди бу жаҳони фанийдан,

Чиқмаган мастура эрди қулбаи вайронидин?»

Етди бу овозаким: «Кетди фано кўҳсорига,

Паҳлавони марғнинг маҳкам тутиб домонидин.

Борди жаннатнинг фазосин Қалъаи болосига

Кечди Учқўрғонни даштин Кўчаи поёнидин»

Лолазор ўлди замин гулгунчадек атфоллар,

Хор тирноғидин узган жабҳасини қонидин...

Мазкур марсия-таърихда таърих моддаси қуйидагича:

Ўлди ул Отин, хирад таърихи фавтига деди:

«Ойбиби бева кетди, – деди, Учқўрғонидин»[21;34 б.]

Бунда таърих моддаси «Учқўрғон» سۆزى چاقورغان 1367 бўлиб, ададда 58 зиёдадир. سۆزى چاقورغان 58ни чиқарамиз. Демак, Ойбибининг вафот этган йили ҳижрий 1309, милодий 1891–92 йил экан.

Рожийнинг марғилонлик Усмонхожа аълам вафотида бағишлаб битган бир юз саккиз мисрадан иборат марсия-таърихда, шунингдек, Марғилон шаҳри жомеъ масжиди имоми Домулло Бузрукхон, Марғилон қозиси Тошқорабой, Мулла Узок, Қалдирғоч муфти, тошкентлик қози Мулла Олим, Оқбўйралик Ҳожи Қобулларнинг вафотида бағишлаб битган таърихларда ўлкадаги ижтимоий аҳвол, турмуш қийинчиликлари ўз ифодасини топган. Жумладан, андижонлик Мулла Эминжон охундга бағишланган 20 мисрадан иборат таърихи бунга яққол мисол бўлади.

Таърих вафоти Мулло Эмин охунд котиб Андижоний қаллошона (камбагаллик билан) зиндалик (тириклик) да масжидларга имом бўлиб котиб аъла-д-давом зий иёл (аялманд) исрат аҳвол (огир аҳволда) эди. Рамазони шарифда бир мунъим (эхсон қилувчи)нинг ифторида қишда қаттиқ совуқда бир коса асал еб, касал бўлмай ўлиб экан, таърих қилинди.

Саодатманд мулла Эминжон котиб,

Ҳадису фиқҳдан чандон битибдур...

Аламлар тортиб аҳли хонадони,

Эшиттим, жона Ҳақ таслим этибдур.

Деди таърихига жондин узиб дил,

«Азоби хонадин Эмин кетибдур»[1;140 б.]

Мархум вафоти муаммо йўли билан чиқарилиб, унга кўра «Азоби хона» сўзлари – 1429 дан «Эмин» сўзи 111 – ни чиқарамиз. Ҳижрий 1318, милодий 1900 йил чиқади. Эътибор берилса, таърих моддасида жуда катта маҳорат билан баён қилинган. Чунки унда матндан ҳам, мархумнинг исмидан ҳам, уларни сон йиғиндисини ҳисоблаш орқали ҳам маъно чиқариш мумкин. Яъни, бу азобхонадан домла Эмин кетибдур, ё бу азобхонадан мархум эмин – хотиржам кетибдур, ёки азобхона сўзлари йиғиндисидан эмин сўзи йиғиндиси кетибдур.

Рожийнинг ўзига замондош дарвишлар, қаландарлар ва мажзублар вафотида бағишланган таърих-шеърларида ҳам тасаввуф таълимотининг изларини кўрамиз [14; 46 б.]. Рожий яшаган даврда Марғилонда Ҳожа Аттор номи билан машҳур бўлган Муҳаммад Аминхожа исмли авлиё ҳам яшаб ўтган. Бу зот ҳақида манбаларда шундай дейилади: «Исми Муҳаммад Амин хожа, лақаби Атторхожа эди. Бу зот Марғиноннинг сайргоҳи бўлиб келадургон ҳазрат Муоз ибн Жабал деб исмланмиш жойнинг Шарқ тарафида ўз кучи билан бир майдонда арчазор бино қилиб, хотин-болалари билан сукно қилиб турар эди. Зотан, ниҳоят оташнафас, қизил юзлик, тез суҳан, лобар киши эди. Ҳақиқатда ҳам бу кишига ўшал даврнинг ҳамма ақобиру ашироф, ҳамма шайху шоблари ихлоси тамом бирла алоқа қилар эдилар. Доимо қўлида бир таёқ бўлиб, аёғида эски чоруги, эғнида биргина эски ёғдор шалвираган тўни бор эди.

Эшон девонани ким таниган бўлса таъриф қилинган либосидан бошқа либос кийгонини кўрган киши йўқдур. Ёши вафотигача етмиш бешдан тажовуз қилгонлиги қиёс қилинадур. Охир умрида Ёрмозор яқинида тааллуқ жойда вафот қилуб, мадфун бўлгон. Турбаси ҳовли ичида кўча бўйидадур. Эшитилишига қарагонда ёзу қиш фалос тепасида ётмай, фақат ўзининг махсус ерида тахта узасида ётар экан. Муоз ибн Жабал сайргоҳида ободонликқа доир ашжорлар аксари мушорун илайҳнинг хатти-ҳаракати остида бўлгон эрди» [7; 375 б.]

Айтишларича, уни «Ажам диёрининг авлиёси» деб аташган. Мазкур девона вафот этганида Рожий унга атаб бир йигирма олти мисрадан иборат таърих битади ва унда авлиёнинг кўплаб жиҳатларини санаб ўтади.

*Ёшликда Хожя Аттор эрди жаҳон саёғи,
Маркаб икки аёғи – кетти Чинни яёғи.
Девонаи сабукбор, дер эрдиларки Аттор...
Тарихига дедим ман: «Фарғонадин кесилди,
Бошини гўр ёшургон, девонанинг аёғи [22; 14
б.]».*

Тарих моддаси (Фарғона) *مناعرف* сўзидир. Бу эса ададда 1336 таърих йилига 25 зиёдадир. Гўрбоши «ге» 20 ва девона оёғи «хе» 5, жами 25 ни чиқарамиз. Натижада 1311 рақами қолади [1; 27 б.]. Демак, Хожа Аттор 1311/1893 йилда вафот этган.

Марғилоннинг Машҳад даҳасида ислом дунёсининг машҳур фақиҳларидан Абдулазиз Марғинович, яна бири Имом Заҳириддин Марғиновичнинг марқадалари жойлашган. Қадимдан кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар, талабаларнинг хатмона – битирув маросимлари шу ерда ўтказилган. XIX аср Марғилон адабий муҳитининг кўзга кўринган вакилларида бири Абдурахмон Фаҳмий «Таърифи Марғинович» номли маснавийда шундай деган эди:

*Саҳобалар, азизлар бўлди марқада,
Бу боис бирла бўлди номи «Машҳад» [23; 379
б.]».*

Рожий яшаган даврда бу ерда жойлашган масжидда саййид авлодларидан Бузрукхон эшон Машҳадий номли тариқат шайхи истиқомат қилган. Рожий домланинг у зотга алоҳида эҳтироми бўлган. Бунинг асарлари орасида аллома вафотига бағишлаб ёзилган бир эмас, иккита марсиадан билиб оламиз. Аллома илму билимда ўз даврининг яғонаси эди. Умрининг сўнггида муборак ҳаж сафарига борган ва Мадина шаҳрида вафот этади. Аллома у ерга соғ-омон етиб олгани ҳақида ҳамшаҳарларига мактуб йўллайди. Бироқ у ердаги зиёрат ва ибодатларни адо этиш баробарида вафот топади. Унинг вафот хабари ҳам Марғилонга етиб келади. Жума куни имом ваъз қилаётган чоғи етиб келган бу шум хабар бутун масжид қавмини ларзага солади. Зеро, шаҳар ўзининг буюк бир алломасидан ажраган эди. Барча қатори бу хабар Рожийнинг ҳам қулоғига етиб келади, у бундан қаттиқ изтиробга тушади ва аллома вафотига бағишлаб бир эмас, иккита таърих-марсия ёзади. Марсияда Рожийнинг буюк замондоши ўлимидан қанчалик изтиробга тушгани, алломанинг илмий-маърифий салоҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва шаҳар зиёлилари ўртасида тутган ўрни ва бошқа бир қанча жиҳатлари кучли эҳтирос ва ҳаяжон билан тилга олиб ўтилади:

*Бузрукдур ул ўтти имконни қўлзумидин,
Ғарқ ўлмади тааллуқ гирдобини гумидин.*

*Дунёмиз хурофоти ўтлуғ кўринди – қўйди...
Элдин қочиб лаҳадни кунжсини хонасида,
Ёстиқ қилиб ётибдур Ясриб замин қумидин.
Деди хирад анинг-чун таърихи иртиқолин,
« Қочти имоми Бузрук Фарғона мардумидин»
[21; 19 б.]».*

Ушбу шеърда таърих моддаси *مناعرف* сўзидир. Бунинг рақами 1630 таърих йилига 311 адад зиёдадир. *ماما كرزى* сўзи ҳарфларининг сонидан ҳосил бўладиган 311 ададни чиқарамиз. Натижада 1319 ҳосил бўлади [1; 28 б.]. Бундан кўринадики, Бузрукхон эшон 1311/1902 йилда Мадинада вафот этган.

1912 йилда Марғилонда хожалар авлодидан Нуриддин хўжа яхши ниятда ёш болаларни хатна қилиш жойи бўлсин деган умидда меҳмонхона куради. Меҳмонхона битгач, ёшу қарини чақириб уларга катта эҳсон ва садақотлар улашади. Ана шу аснода ўзи тўсатдан вафот этиб қолади. Бу аянчли воқеа ҳаммага қаттиқ таъсир қилади. Рожий ҳам унга қўйидаги таърихни битади. Энг қизиғи, таърих моддаси учун танланган сўз айни воқеани эслатиб туриши, яъни, у меҳмонхона эмас «ҳасратхона» бўлганидир:

*То чунин маъмурайи олий бино кошона шуд,
Ҳайф қасри умри бони аз фано вайрона шуд.
Қасри манқуши ба зеб маскан аҳли тараб,
Буд таърихаи чу бонийи мурд «ҳасратхона»
шуд.*

Насрий баёни: «Бир олий гуногун кошона қурилди-ю, аммо қурувчисининг умри бу вайронадан узилди. Шу туфайли, гарчи у қасри нақшинкор хурсандлик жойи бўлса-да, таърихи, қурувчиси ўлгани учун, «ҳасратхона» бўлди». Ҳасратхона сўзини абжод билан ҳисоб қилинса меҳмонхона қурилган йил чиқади, яъни 1320/1912.

1913 йилда Рожийнинг яқин биродари Мулла Тошболтунинг Раҳматуллоҳ исмли ўсмир ёшидаги ўғли ухлаб ётиб уйқусида вафот этади. Бунинг билан Рожий унга қўйидаги таърих-марсияни битади:

*Чархи золим бемурувват дастидандур оҳ, оҳ,
Навниҳолин гунчасин сўлдуриб қилди адо,
Эътино қилмай бу дунё лаззати тазвижини,
Котиби қудрат азал девонидан берди қазо.
Раҳматуллоҳ эрди, қочди раҳмати Аллоҳ сари,
Хуру гилмон, қасру айвонидин топуб жойи
ғало.*

Таърих ўлди Раҳматуллоҳ раҳматийга бе ғалат,

Кўрди марқуми хизом иккинчи «Ғуфрон»ул илоҳ [7; 381 б.]».

1911 йил 30 май куни Марғилон шаҳрининг Сафилтўда даҳаси қозиси Музаффархонхўжа Ман-

сур хожи ўғли вафот этади. Орадан уч кун ўтиб, унинг набираси Муҳтарамхон вафот этади. Бундан таъсирланган Рожий куйидаги таърихни битади:

*Дилам имруз сўзонасту нолон,
Забун афтода аз ошуби ҳижрон.
Маро дар панж рӯзи ду мусибат,
Ба дасти ғам супурду сохт гирён.
Видои қиблагоҳи меҳрибонам,
Фироқи нури чашми Муҳтарамхон.
Ки бувад онам чу дил в-ийн жон ширин,
Чароғи дину дунё-у будам эшон.
Видои аз аввал, соний жумодий,
Фироқ жудоки аз панжуми он.
Шунидам соли фавти он зи хотиф,
Ки мегуфт у баавжи рубъи ризвон.
Бас ҳаштоду се буданад инак,
Башорат бар қабулу маҳви исён.
Вале он навраси боғи умидам,
Понздаҳ солики рав гирад пинҳон.
Ҳануз аз жўйибори ҳилму завқи,
Набурда барад шавқ ҳуру гилмон.
Умид аз ҳазрати Ваҳҳоби мутлақ,
Ки бинависад ба-фазлаш аз шаҳидон.* [7; 382

б.].

Таржимаси: «Дилим бугун жудолик аламида маҳзун ва нолон. Беш кун ичида икки мусибат бўлиб бизни ғам саҳросига ташлаб кетди. Биринчиси қиблагоҳим Мулла Музаффархон қозининг ўлими бўлса, иккинчиси набираси Муҳтарамхон вафотидир. Уларнинг бири гўё дил бўлса, иккинчиси ширин жон каби дину дунё чироғи эдилар.

Биринчи мусибат жумадул-аввал ойининг иккинчи куни, кейингиси бешинчи кунида бўлди. Қиблагоҳининг вафоти ҳақида хотифдан шундай овоз эшитдим: «У ризвон боғига кетди». Ёши гуноҳлар кечирилиши ва қабулнинг аломати бўлмиш саксон учда эди. Умидим боғи бўлмиш набираси эса ўн беш ёшда пинҳон бўлди. Айни ёшлик айёмида ҳурлар ҳузурига кетди. Энди ҳазрат Ваҳҳобу Зул-Жалолдан умид шулки, уларни фазли билан шахидлар қаторига ёзиб қўйса».

1331 ҳижрий, 1912 милодий йилда Марғилонда Ортиқ қори исмли Қуръони каримни ёд олган ҳофизул калом вафот этади. Доимо тиловат билан машғул бўлиб, кўп ҳолларда мазорлар зиёратида юрадиган бу ажиб кайфиятли қорининг вафоти Рожийга таъсир қилади ва унга куйидаги қисқача таърихни ёзади:

*Ажойиб ҳофизи Қуръони Рабби киркидор эрди,
Ибодатдин ётуб танҳо анга манзил мазор эрди.*

Бўлди «ғуфрон»и Илоҳ фавтин ҳисоби таърихи,

Ғарқи раҳматдин нишона чунки беозор эди³⁰.

³⁰ Марғилон мажмуаси...61-б.

Таърих моддаси «ғуфрон» сўзи бўлиб, абжад бўйича ҳижрий 1331, милодийга 1913 йилга тўғри келади [7; 386 б.].

Рожий билан бирга қозихонада хаттотлик қилган Мулла Тошболту исмли истеъдодли шогирди бўлган. Ўта такволи ва парҳезкор бўлган мазкур шахс умри охирида чиройли ўлим топади. Бомдод намози чоғи жойнамозда саждада турган ҳолида вафот этган. Буни эшитиб каттиқ таъсирланган Рожий унга атаб куйидаги учта таърих битади. Бу ҳақда Муфаззал Маҳдум шундай дейди:

«Фурқатнинг оиноси Тошболту намозда саждада бомдод намозини ўқиб туриб тўсатдан вафот қилгон. Вафотиға (Рожийнинг) ёзган таърихлари будур:

Мурд Тошболту фазли у инаст фасоҳат дилдор,

*Зуд рафт аз ақиби Фурқат фатонати ашъор,
Афсус кунанд аҳли фазл уламо надомати ин қор,
Тошболту ёдий қалам таърихи Рожий саодат ёр».*

Таржимаси: «Тошболту ўлди, унинг фазилати у фасоҳатли дилдор шахс эди. Фурқатнинг орқасидан тезда у фатонат ашъор ҳам кетди. Бундан барча уламолар афсус қилди. Рожий у саодатёр таърихиға: «Тошболту ёди қаламдир», деб айтди.

*Мурд Тошболту дар сажжода бо амри Худо,
Рафт аз ин дунё ба сўйи жаннатул маъво.*

*Афсус кунанд ҳама аҳли фазл уламоҳо,
Тошболту ёдий қалам таърихи Рожий ба ёди қазо.*

Таржимаси: «Тошболту Аллоҳнинг амри билан жойнамоз устида вафот этди. У бу дунёдан жаннатул маъво томонга кетди. Барча аҳли фазл уламолар бундан афсус қилдилар. Унинг вафотиға Рожийнинг таърихи: «Тошболту ёди қалам» жумласи бўлди».

Мурд Тошболту фазласт илму адаб ризқи аз қалам,

*Зуд рафт аз ақиби Фурқат ашъори бадастам.
Афсус кунанд аҳли фазл уламо аз фарқати зор,
«Тошболту ёди қалам» таърихи Рожий раҳмати Изид ёр.*

Таржимаси: «Илму адаб соҳиби Тошболту ўлди, унинг ризқи қаламдан, яъни қотиблик билан кун кўрар эди. У тезда Фурқатнинг ортидан шеърларини кўтариб кетди. Унинг фурқатидан барча аҳли фазллар афсус қилдилар. Рожий унинг вафот таърихиға: «Тошболту ёди қалам» деб айтдики, унга раҳмат ёр бўлсин».

Ҳар учала таърихда ҳам таърих санаси 1335 ҳижрий, 1917 йил чиқади. Тошболту Фурқатдан бир йил кейин вафот этани учун таърихда шунга ишора қилинган [7; 387 б.].

«Тазкираи Қаюмий» асарида Мулла Тошболту ҳақида шундай маълумотлар бор: «*Бу шоир Марғилон шаҳридан бўлуб, номи мулла Тошболта Муҳаммад Иброҳим ўғлидур. Кўк мазор номли мадрасада истиқомат этиб шоир Фурқат ила дўсту ошно бўлмишдур. Баъзан Роиқ деб тахаллус ила шухратланса ҳам ёзган ашъорида Ибрат тахаллус ихтиёр этгани кўринадур. Анинг яқин кишиси бўлмиш Маҳмуд Муфаззалишоҳ домулланинг ёзган хатларини ҳам сўзимизнинг исботи учун кўрсатдик. Бошида мактабдор муаллим, хотунлари ҳам муаллима бўлуб танилган экан. Сўнгра қозихонада муфтий ва хат ёзадургон бўлуб, аълам деб аталган. Йўгон, тўла гавдали бўлуб, ҳижрий ила 1336 нчи (милодий 1917-18) йилда шаъбон ойинда 63 ёшинда Марғилонда вафот этмишдур.*

Фурқатнинг бу кишига ёзган насиҳатомуз назми бордур. Кўк мазор мадрасасида Фурқат билан бир ҳужрада турган эди. Фурқат растада чойфуруш ҳам эди. Бу байт Фурқат газалига мухаммасдин биридур. Бунда номи Тошфўлод кўрсатилади» [20; 465 б.].

Эслатиш жоизки, Хитой Халқ Республикасининг Синьцзян (Шинжон) Уйғур автоном ноҳияси Ёркент (Ёрканд) ҳудудидаги Гулбоғ кишлоғида жойлашган Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат мақбараси деворида Фурқатни айнан Мулла Тошболтуга ёзган газалидан қуйидаги байт ёзиб қўйилган:

Олиб ёдига, сўрмас кимса Зокиржон Фурқатни,

Агарчи айтадур доим дуо боди саболардин [24; 36 б.].

Рожий баёзларида бухоролик Мир Қиёмиддин вафоти ҳақида ёзилган етмиш мисрадан иборат таърих-марсия учрайди. Тадқиқотчи олим М.Мадғозиев бу шахсни Рожийнинг Бухорода таълим берган устози Мир Бадриддиннинг фарзанди бўлиб, отаси Рожийнинг устозларидан бўлган, деб ҳулоса қилади [7; 261 б.].

Рожий ёш болаларга шафқатли бўлганидек, кекса ёшли кишиларга ҳам алоҳида эҳтиром билан қараган. Масалан, Хожа Муҳаммад аълам Ўшнинг таърифлар экан, уни тўқсон ёшга боргани учун умидки, у Аллоҳнинг озод қилган бандаларидан бўлса дейди:

Ҳақ маъоф этгай гуноҳин ибн тисъин кўҳна сол,

*Бандайи пир атиқуллоҳи, шайхи фон*³¹ экан.

Яъни, Аллоҳ таоло уни мағфират қилсин, чунки у шайхи фоний ва Аллоҳнинг озод қилиб юбарадиган тўқсон ёшдаги бандаси экан.

³¹ Аслида «фоний» шаклида бўлса-да, бу ерда вазн тақозосича «фон» шаклида ёзилган.

Ўш шаҳрида узоқ вақт аъламлик вазифасида хизмат қилиб ўтган Хожа Муҳаммад аълам вафотига ёзилган 48 мисрадан иборат таърих-марсиянинг аввалида қуйидаги сўзлар баён этилган: «*Таърихи вафоти Домла Ҳожи Муҳаммад аълам Ўшнинг пири кўҳна сол, фақиҳи бемисол мударратул умр аълам намуда мутасаддийи фатво шуда. Дар охири сол қози шуда алоийқ ва мутааллиқоти қазо гарон омада нез аълам шуда дар хонаи худ мунзавий буд. Аз ақрон он намонд, пир хамида, гўшти рафта устухон буда. Боин муносиби аҳвол*».

Таржимаси: «Хожа Муҳаммад аълам Ўшнинг вафот таърихи бўлиб, у зот кекса ёшли мўйсафид, тенги йўқ фақиҳ эди. Бир умр аъламлик вазифасида бўлиб фатво ишига мутасадди эди. Умри охирида қози бўлган бўлса-да, лекин қозилик юкини оғир билиб, яни ўз хонасида аъламлик билан машғул бўлди. Унинг бирор тенгдоши қолмаган эди. Бели эгик бўлиб, баданидан гўшти қочган экан. Қуйидаги таърих мазкур аҳволларига муносиб ёзилди» [7; 388 б.].

Адабиётшунос олим М.Мадғозиев 1972 йил, 18 август куни андижонлик шоирлар Имомиддин Қосимов ва Омонullo Валихоновлардан ёзиб олинган хотираларида Рожий Хожа Муҳаммад аълам Ўшнинг бағишланган мазкур таърихни қози хонадонига фотиҳага кетаётиб сафар давомида битганлигини кўрсатади: «Андижонлик Отабек қози Рожий Марғинович билан жуда яқин дўст бўлган. Отабек қози ўғли Аҳмадбек қозига Рожий Марғиновичнинг Ҳожи Муҳаммад Аълам Ўшнинг таърих марсиясининг яратилишини қуйидагича ҳикоя қилиб берган: «*Ҳожаҳон қози билан иккаламиз Андижондан извошга ўтириб марҳум Ҳожи Муҳаммад аълам Ўшнинг фотиҳасига жўнадик. Йўлда Рожий домулло нималарнидир пичирлаб борарди. Хўжаободга етганда у менга қараб шундай деди: «Биз шоир одаммиз. Марҳум уйига унинг ҳурматига бағишлаб нимадир айтиб киришимиз керак. Қани, эшитинг-чи, Отабек қози», – деб катта бир марсия-таъриҳини ёддан ўқий кетди. Ҳам жиддий, ҳам ҳазил аралаш бу ғазали билан у мени гоҳ йиғлатди, гоҳ қулдирди. Аксинча, баъзан на йиғлашимни, на қулишимни биламан. Рожий ажойиб сўз устаси бўлган шоир эди»* [3; 71 б.].

То абад бу арсайи заброда қайси жон экан?

*Зиндаийи жовид «кулли ман алайҳо фон»*³² экан.

Дори дунё кирдию чиқтию жойи осмон

Келди-кеттилар бұлгон бир баланд айвон экан.

Домулло Ҳожи Муҳаммад ибрат аҳлин аълами,

³² / Араб. / Ер устида нима бўлса охири йўқ бўлади.

Ўш қозихонасига қанча йил дарбон экан...
Келди-кетти, кирди-чиқди кўрди дунё даръа-
тин,

Мансаб айвонин жулусин фурсати бир он
экан.

Рожий авсофи билон таърихи фавтига деди:
«Кўҳна мулло зиндасурат маййити бежон
экан».

قنده ملا زنده صورت مينى
хосил бўладиган 1373 рақамида

нинг(жон) ناج سони 54 ни чиқарамиз, натижа-
да 1319 қолади [1; 28 б.]. Демак, Хожа Муҳаммад
аълам Ўший 1319/1902 йилда вафот этган.

Хуллас, адабиётшунослар Рожийнинг маз-
кур таърихлари ўз даврида халқ ўртасида жуда
машхур бўлганлигини қайд этадилар [14; 47 б.].
Рожийга замондош шоирлар бу асарларга мухам-
маслар боғлаганлар.

Рожий Марғинонийнинг адабий мероси асо-
сан, ўзбек, форс-тожик тилида яратилган бўлиб,
уни ўзбек мумтоз адабиётининг сўнгги зулусо-
найн шоири, деб айтиш мумкин. Гарчи Рожий араб
тилида ҳам ижод қилган бўлса-да, бизга улар-
дан 200 мисрага яқини етиб келган холос. Рожий
мумтоз адабиётнинг ғазал, мухаммас, маснавий,
таърих, рубоий, туюқ, фард, китъа, муаммо жан-
рларида баракали ижод қилиб, ўзининг ажойиб
санъаткор эканини тўла намоиш этган.

Алломанинг ғазал, мухаммас, маснавий, му-
аммо, рубоий, туюқ, китъа, фард, таърих йўнали-
шларида битилган диний-маърифий, ахлокий-тар-
биявий мавзулардаги ўн минг мисрага яқин катта
адабий мероси бадиий адабиётимизнинг бебаҳо
хазинасидир.

Келгусида Рожий Марғиноний ижтимоий фао-
лиятини ҳуқуқшунослик нуктаи назаридан, ижодий
меросини эса адабий ва фалсафий, манбашунослик
жихатдан ўрганиш лозим. Жумладан, чоп этилма-
ган шеърларини тўплаб, нашр этиш эса халқимиз
маънавий хазинасини янада бойитади.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Juvonmardiyev A. Harf va raqam. – T.: «Fan», 1971.
2. Madg'oziev M. Rojij Marg'iloniy – XIX asrning oxiri XX asr boshlaridagi o'zbek adabiyotining talantli vakili // O'zbekistonda ijtimoiy fanlar. 1972. №9.
3. Xojajon qozi Rojij Marg'iloniy. Hayratul inson. Nashrga tayyorlovchilar M. Madg'oziev, I. Ostonaqulov. «Adib» nashriyoti, Toshkent, 2012.
4. Berdimurodova M. Rojij taxallusli 14 shoir // O'zbek tili va adabiyoti. 2006. № 3
5. Abdulahatov N. XIX asr oxiri XX asr boshlarida Marg'ilon shahridagi Talab boron marosimi // O'zbek xalqining milliy folklor san'ati va etnomadaniy

- qadriyatlar (Ilmiy to'plam). Toshkent. : «Navro'z», 2013.
6. Abdulahatov N., Hoshimova N. Rojij ijodida ta'lim masalasi // Mug'allim ham uzliksiz bilimlendrio' Nokis – 2014. № 1.
7. Madg'oziev M., Fayzullaev R., Abdulahatov N. Xojajon Xoja Rojij Marg'iloniy. III. – Toshkent.: «NOSHIR», 2016.
8. «Turkiston viloyatining gazet». 1911 yil. № 44.
9. «Turkiston viloyatining gazet». 1913 yil. № 30.
10. Abdulaxatov N.U. Radji Marginani // «Islamovedenie v Kazaxstane: Sostoyanie, problemi perspektivi». Materiali mejdunarodnogo «kruglogo stola». g. Astana, 20 noyabrya 2014;
11. Bartold V. V. Sochineniya, T. II chast. I. - M.: «Nauka», 1963
12. Validov Z. A. Nekotorie dannie po istorii Fergani XVIII- stoletiya // Protokoli zasedaniy i soobsheniya chlenov Turkestanskogo krujka lyubiteley arxeologii. Vip 2-y T., 1916.
13. Muhammad Aziz Marg'iloniy. Tarixi Aziziy / Nashrga tayyorlovchilar, so'zboshi va izohlar mualliflari: Sh.Vohidov, D.Sangirova. –Toshkent.: «Ma'naviyat», 1999.
14. Ostonaqulov I. Rojij Marg'iloniy – faqih va shoir. // TIU. Ilmiy-tahliliy axborot. 2009. №3.
15. «Turkiston viloyatining gazet». 1891 yil. №16 son.
16. «Bayozi Mahbub ul-mahbub». Aravonlik Amoniy Araboniy tashabbusi bilan chop qilingan bu bayozning bir necha nusxalari O'z FASHI da, Alisher Navoiy nomidagi adabiyot muzeyida va Samarqand Davlat universiteti kutubxonasida saqlanadi. Bayoz Toshkentda G'ulom Hasan Orifjonov matbaasida 1912 yilda chop qilingan.
17. Turkiston viloyati gazet. 1903 yil №22, 1904 yil 7 may №18, 1915 yil 19 aprel №29 sonlarida Rojij ijodiga doir ma'lumotlar keltirilgan.
18. Abdug'afurov A. Zokirjon Furqat. – Toshkent.: “Fan”, 1977.
19. Abdulahatov N. Rojij Marg'iloniy ta'rixlari // Yosh sharqshunoslarning akademik Ubaydulla Karimov nomidagi XVI respublika ilmiy-amaliy konfreniya materiallari. – T.: «Fan», 2019.
20. Qayyumov P. Tazkirai Qayyumiy. Toshkent, 1998. II jild.
21. Ash'ori Rojij Marg'iloniy. Qo'lyozma, O'zFASHi inv.№ 5868.
22. Amoniy Araboniy. «Bayozi mahbub al-mahbub» -Toshkent: «Navro'z» nashriyoti, 2015.
23. Abdurahmon Fahmiy Marg'iloniy. Devon. – T.: «COLD PRINT NASHR» nashriyoti, 2018.
24. Abdulahatov N. Shoir Furqat ziyoratgoi // Furqat ijodi muammolari. Qo'qon, 2010.

